

№ ИСТ-2022/ СЗ-12 -сонли  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

12 сентябрь 2022 йил

Термиз шаҳри.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси номидан 2022 йил 24 январдаги №20-рақамли Бош ишончнома асосида иш курувчи Менглиев Юсуф Амиркулович бир томондан ва кейинги ўринларда «Бош пудратчи» деб юритиладиган “Бирлашма Инвест Сурхон” МЧЖ номидан низом асосида иш курувчи Мирзоев Муродхон иккинчи томондан Қизирик тумани Кунчикиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармогини куриш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Қизирик тумани Кунчикиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармогини куриш ишларини лойихада кузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда куриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, Ўзбекистон Республикаси ТХАБ нинг UzEx TENDER тизимида ўтказилган № 22110012144166-сонли Лот бўйича танлов савдолари бўйича 2022 йил 06 сентябрдаги № 144166-сонли баёномасига асосан объектнинг умумий қурилиш қиймати қўшимча қиймат солиғи билан биргаликда **284 096 279 (икки юз саксон тўрт миллион тўқсон олти минг икки юз етмиш тўққиз )** сўмни ва 2022 йил сентябр ойида тасдиқланган Манзилли рўйхатга асосан ажратилган лимитга бўйича жорий молиялаштириладиган миқдор **269 890 000 (икки юз олти миш тўққиз миллион саккиз юз тўқсон минг)** сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:



қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Буюртмачи томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ жорий ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан бажарилган ишларнинг далолатномаларини (бузилиш даолатномаси, объектнинг паспорти, яширин ишлар далолатномаси, фойдаланилган қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ичимлик суви учун фойдаланилган полиэтилен қувурларини зарарсизлантириш бўйича синов ҳисоботи (СЭС дан), ишни ишлаб чиқариш учуе умумий журнал, фотосуратлар ва бошқалар) тақдим этиш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;



мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. Ишларни бажариш муддатлари

### 10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига (2-илова) мувофиқ белгаланган муддатларда амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида **85 228 883,70 (саксон беш миллион икки юз йигирма саккиз минг саккиз юз саксон уч)** сўм етмиш тийин миқдорига маблағлар ўтказиб берилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1 ва 2-иловалар).

16. Пудратчи томонидан иншоотда ойма-ой бажарилган ҚМИларни жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос булади.

- Жорий молиялаштириш бажарилган ҚМИ сифати ЛСХга мувофиқлиги текширилгандан кейин, берилган аванс ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой бажарилган ҚМИни 65 фоизи миқдорида амалга оширилиб, объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизи доираси миқдорида булади.

- ҚМИларни 95 фоизгача жорий молиялаштириш Республика бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан жорий йилда тасдиқланган манзилли дастурда назарда тутилган маблағ миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади ёки молиявий маблағ билан таъминлаш шартномаси (договор рефинансирование) асосида ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

- «Буюртмачи» шартнома тузилган иншоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловни; Уз. Рес. ВМнинг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорининг 2-илова 49-бандига асосан «Маблағ билан таъминловчи орган» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда Инвестиция лойҳасини маблағ билан таъминлаш манзилли дастур асосида амалга оширигандан сунг, Молия органи томонидан тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган ҳужжатлар сметаси асосида молиялаштиришни вилоят Газначилик бошқармаси орқали амалга оширади. «Маблағ билан таъминловчи орган» томонидан иншоот учун маблағ ажратилмаган тақдирда «Буюртмачи» иншоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловларни шартномада белгиланган муддатларда амалга ошириш мажбуриятини олмайди ва иктисодий суди олдида молиялаштирилмаган маблағ учун жавобгар бўлмайди. Ушбу қоидалар манзилли дастур объектларига ҳамда маҳаллий бюджетдан бериладиган объектлар маблағларига ҳам таллуқли.

17. Объект қийматининг 5 (беш) фоизи миқдори тулови шартномадаги ишлар тулик бажарилиб натижаси харажатлар ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат утгач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан иншоотнинг ҚМИлари бўйича эътирозлар йўқлиги тўғрисидаги уч томонлама далолатнома тулик имзолангандан кейин амалга оширилади.

- Объектнинг 5 фоизлик кафолат маблағи пудратчига тўлангангунга қадар иншоотни фойдаланувчи балансига олганлиги тўғрисида маълумотнома (авизо) тасдиқланган бўлиши лозим.



18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга рияз этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг



«Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рұхсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. Ишларни кўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**



44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **15** кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12** ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **60** ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;



қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

-Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартнома тегишли иловаларида курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорига жарима тулайди.

61. Бош пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун бош пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун қурилиш нормаларига мос равишда бажарилмаганлиги учун бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси қурилиш нормаларига риоя этилмаган ҳолда бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишлари лойиха талабларига, белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида, объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек бош пудратчидан қурилиш нормаларига риоя қилинмаган ҳолда бажарилмаган яъни зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5,0 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон



тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган жарима билан копланмаган зарарни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Термиз туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартномага томонлардан бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо қўйилгандан сўнг ва Ғазналик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний ҳисобланади.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

74. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амалда бўлади.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Термиз ш. Тараққиёт кўчиси-2 уй  
СТИР: 305965322 ОКОНХ

Ш/хр: 301121860224017063201110046

Сурхондарё вилоят Ғазначилик бошқармаси  
Ғазна хр 23402000300100001010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш, МФО 00014

Ғазначилик бўлим СТИР: 201 122 919

"Бирлашма Инвест Сурхон" МЧЖ

Термиз шаҳри Гунча кучаси 9а - уй

Х\р: 2020 8000 9044 0942 4001

АТБ «Ипотека банк» Термиз

МФО 00356

ИНН 205 645 557

ОКЭД 41201

Тел :99 710 63 07



Бошлик:

Ю. Менглиев



Раҳбар:

М. Мирзоев

Хуқуқшунос:

Ж. Кличев

2022 йил





### ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РЎЙХАТИ

**I бўлим. Асосий қурилиш маълумотлари**

1. Қурилиш майдонининг номи ва жойлашуви	Қизирик тумани Кунчикиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармогини қуриш				
2. Соха	Коммунал хўжалик				
3. Инвестор	МВ хузуридаги “Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш” жамғармаси				
4. Буюртмачи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси				
5. ЛСХ Ишлаб чиқувчилар:	5.1. ТИА	"Саловат сифат лойиха" МЧЖ			
5.2. ПСД ёки ТД	Мавжуд				
5.3. Экспертизалар	09.08.2021 йилдаги №55706				
6.1. Бош пудратчи	"Бирлашма Инвест Сурхон" МЧЖ				
7. Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети				
8. Қурилишни бошлаш ва тугатиш муддати	2022 й.				
<b>Асосий қурилиш кўрсаткичлари:</b>	<b>ПСД бўйича</b>	<b>01.01.2022 й. ҳолатига қолдиқ</b>	<b>01.01.2023 й. ҳолатига қолдиқ</b>		
Қуввати (тегишли бирликда)	0,35 км I объект	0,35 км I объект			
Асосий фондлар	291,35		14,21		
Капитал қўйилма	291,35		14,21		
Қурилиш-монтаж ишлари	284,10		14,21		
Ускуналар, инвентар			0,0		
Бошқа ишлар ва хизматлар	4,25		0,0		
Буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари	3,00		0,0		
<b>ИТКҚВ ва МФ билан келишилган манзиллар рўйхатига мувофиқ 2022 йил учун прогноз</b>	<b>Шартнома нархларида (млн сўм)</b>				
Қуввати (тегишли бирликда)	0,35 км I объект				
Асосий фондлар	291,34				
Капитал қўйилма	291,34				
Қурилиш-монтаж ишлари	284,09				
Ускуналар, инвентар	0,0				
Бошқа ишлар ва хизматлар	4,25				
Буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари	3,00				
<b>II бўлим 2022 йил учун прогнознинг чораклик тақсимоти. (жорий нархларда миллион сўм)</b>					
	Бир йил учун жами	шу жумладан чораклар бўйича:			
		I	II	III	IV
Қувватларни ишга тушириш	0,35 км I объект				
Асосий фондлар	291,35				
Капитал қўйилма	277,14				
Қурилиш-монтаж ишлари	269,89			85,23	184,66
Ускуналар, инвентар	0,00				
Бошқа ишлар ва хизматлар	4,25				4,25
Буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари	3,00				3,00

**Буюртмачи :**

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

**Бош инженер:**  
О.Бобомуродов

**Пудратчи:**

"Бирлашма Инвест Сурхон" МЧЖ

**М.Мирзоев**





**ОБЪЕКТДА ИШЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УМУМИЙ ЖАДВАЛИ**

Қизилорда тумани Қунчиқиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш

**БЎНАҚ БЕРИШ ВА ЖОРИЙ МОЛИАЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ХОЛДА**

Ишлаб чиқариш даври: - 2 ой

Объектнинг умумий қиймати қиймат қўшимча қиймат солиғи билан биргаликда 284 096 279 (икки юз саксон тўрт миллион тўқсон олти минг икки юз етмиш тўққиз ) сўмини ва 2022 йил сентябр ойида тасдиқланган Манзилли рўйхатга асосан ажратилган лимитга бўйича жорий молиялаштирилган миқдор 269 890 000 (икки юз олти миш тўққиз миллион саксиз юз тўқсон минг) сўмини ташкил қилади.

сўм

Ишларнинг номи	Ишнинг нархи	2022 й.											
		апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабр			
Объект бўйича жами:	284 096 279						142 048 140	142 048 139					
Жумладан:													
Қурилиш-монтаж ишлари	284 096 279						142 048 140	142 048 139					
Ускуналар	0												

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инженеринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси



Ю.Менглиев

Ўндиратчи:



М.Мирзоев



**ОБЪЕКТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ ЖАДВАЛИ**  
**Кизирик тумани Кунчикиш МФЙ ҚСЗда ичимлик суви тармоғини куриш**

**БЎНАҚ БЕРИШ ВА ЖОРИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА**

Объектнинг умумий қиймати қўшимча қиймат солиғи билан биргаликда 284 096 279 (икки юз саксон тўрт миллион тўқсон олти минг икки юз сўтмиш тўққиз ) сўми ва 2022 йил сентябр ойида тасдиқланган Манзилли рўйхатта асосан ажратилган лимитга бўйича жорий молиялаштирилган миқдор 269 890 000 (икки юз олтимиш тўққиз миллион саккиз юз тўқсон минг) сўми ташкил қилади.

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ	Ишларнинг нархи	2022 й.												сўм	
		апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабр	2023 йил				
30% миқдорда бўнақ	85 228 883,70						85 228 883,70								
Амалга оширилган ишларнинг 65% миқдорда жорий молиялаштириш	184 661 116,30										184 661 116,30				
Қолган 5% объектнинг кафолат муддати тугаганидан кейин	14 206 279,00														14 206 279
<b>ИТОҒО:</b>	<b>284 096 279,00</b>						<b>85 228 883,70</b>				<b>184 661 116,30</b>				<b>14 206 279</b>

Буюртмачи:



“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УЎҚ Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Ю.Менглиев

Пудратчи:

“Бирлашма Инвест Сурхон” МЧЖ



М.Мирзоев



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 144164 на приобретение Қизириқ тумани Кунчиқиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш

Способ проведения электронный

Дата 06.09.2022

Время рассмотрения 06.09.2022 18:57

Конкурсная комиссия ГУП Инжиниринговая компания по стр-ву объектов водоснабжения и канализации Министерства жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MENGLIYEV YUSUP AMIRQULOVICH	Бошлик	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	AQBAYEV NURIDDIN JUMANAZAROVICH	бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	KLICHEV JAMSHID KAMOLOVICH	юрист	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	QULBOYEV IKROM O‘SAR O‘G‘LI	Бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	RAIMOV ULUG‘BEK SAPAROVICH	Бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	BOBAMUROTOV OMON XAYITOVICH	Бош инженер	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.09.2022 года № лота 144164.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Строительно монтажные работы
Подробное описание	Қизириқ тумани Кунчиқиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш объектига пудратчи танлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за	289 883 189.00



единицу	
Стартовая сумма	289 883 189.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ўхшаш объектларда охирги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига (Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>БИРЛАШМА ИНВЕСТ СУРХОН МЧЖ</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>JAMOL HOMOYUN X.K</b>	20	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
<b>SURXON SANTEX GAZ MONTAJMCHJ</b>	20	20	5	Экспертная		

Критерий №2 Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархнинг 20% гача миқдоридagi айланма маблағлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (4 шакл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>БИРЛАШМА ИНВЕСТ СУРХОН МЧЖ</b>	10	10	10	Экспертная		
<b>JAMOL HOMOYUN X.K</b>	10	10	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
<b>SURXON SANTEX GAZ MONTAJMCHJ</b>	10	10	10	Экспертная		

Критерий №3 машина ва механизмлари мавжудлиги (5 шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган корхона хисобида (ёки лизинг асосида олинган) 3 тадан 5 тагача Қурилиш машиналари ва механизмларининг мавжудлиги. (Ижарага олинган бўлса баллар миқдори 50%га камайтирилади) Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган 15 тадан кам бўлмаган кичик механизмларнинг мавжудлиги.

Обязательность: Критично







<b>БИРЛАШМА ИНВЕСТ СУРХОН МЧЖ</b>	289 883 189.00	284 096 279.00 UZS	284 096 279.00	00.00	284 096 279.00	05.09.2022 15:49:13	19.71
<b>SURXON SANTEX GAZ MONTAJMCHJ</b>	289 883 189.00	280 000 000.00 UZS	280 000 000.00	00.00	280 000 000.00	06.09.2022 09:17:33	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>JAMOL HUMOYUN X.K</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>БИРЛАШМА ИНВЕСТ СУРХОН МЧЖ</b>	72	19.71	91.71
<b>SURXON SANTEX GAZ MONTAJMCHJ</b>	60	20	80

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 144164 от 06.09.2022 года на приобретение Қизириқ тумани Қунчиқиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш определила победителем:

БИРЛАШМА ИНВЕСТ СУРХОН МЧЖ  
205645557

и резервный исполнитель: SURXON SANTEX GAZ MONTAJMCHJ (304529326)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MENGLIYEV YUSUP AMIRQULOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KLICHEV JAMSHID KAMOLOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	QULBOYEV IKROM O'SAR O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RAIMOV ULUG'BEK SAPAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BOBAMUROTOV OMON XAYITOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Сув таъминоти ва оқова сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси УК  
Сурхондарё вилоят ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи,**



**Ю.Менглиев**

2022 йил

Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК  
Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ички танлов комиссиясининг йиғилиш  
Б А Ё Н И № 12

2022 йил 12-сентябрь

Термиз ш

Комиссия раиси:

О.Бобомуродов

Аъзолари:

Б.Чориев

У. Раимов

И. Кулбоев

Ж. Кличев

**Кун тартибидаги масала:**

Қизирик тумани Кунчикиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармогини қуриш ишларини  
бажариш учун пудрат ташкилотларни танлаб олиш мақсадида  
ички танлов ўтказиш хақида

Эшитилди: Ушбу масала бўйича “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши  
бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи  
Ю.А.Менглиев сўз олиб, ўз сўзида Қизирик тумани Кунчикиш МФЙ КСЗда ичимлик суви  
тармогини қуриш ишларини бажариш учун пудрат ташкилотларни танлаб олиш учун  
махсус ахборот порталига энг яхши таклифларни танлаш учун ЛОТ 144166 билан эълон  
жойлаштирилиб эълон муддати 06.09.2022 йил тугади ва 06.09.2022 йил талабгор  
"Бирлашма Инвест Сурхон" МЧЖ си 284 096 279 сум билан ғолиб бўлган электрон  
протокол шаклланган. Ўзбекистон Республикасининг №684 Қонунига асосан ушбу  
протокол 2 иш кунни муҳокамада турди ва шу даврда ҳеч қанда шикоят келиб  
тушмаганлигини инобатга олиб,

Йиғилиш қатнашчилари ўзаро фикрлар алмашилиб, ўзора келишиб,



## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қизирик тумани Кунчикиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш ишларини бажариш учун "Бирлашма Инвест Сурхон" МЧЖ билан шартнома тузилиб, тўловлар амалга оширилсин.
2. Мазкур топширикни бажариш бош ҳисобчи А.Бухаров зиммасига юклатилсин.

Комиссия раиси:



О.Бобомуродов

Аъзолари:



Б.Чориев

У. Раимов

И. Кулбоев

Ж. Кличев



**ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА БАРПО  
ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА  
10-099/01255-СОНЛИ ШАРТНОМА**

2022 йил “12” сентябр

Термиз ш.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2022 йил “25” февралдаги  
SF № 00042-сонли Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи  
“Imkon-Sug'urta” АЖ нинг Сурхондарё вилояти филиали бундан кейин матнда «Сугурталовчи» деб юритилувчи номидан 2022  
йил “01” мартдаги 44-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи А.Х.Тўрақулов бир томондан ва Низом асосида фаолият юритувчи  
“Бирлашма Инвест Сурхон” МЧЖ бундан кейин матнда «Сугурталанувчи» деб юритилувчи номидан Низом асосида ҳаракат  
қилувчи Н.Мирзоев иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар қуйидаги шартлар асосида мазкур шартномани  
туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сугурталовчи Сугурта қилдирувчи/Наф олувчининг мулкий манфаатларини, ҳамда қурилиш пудрати шартномасида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вақтида учинчи шахслар ҳаёти, соғлиги ва мулкига зарар етказиш учун Сугурта қилдирувчининг жавобгарлигини сугурталайди ва сугурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сугурта пули доирасида сугурта Шартномасида белгиланган тартибда, Сугурта қилдирувчи/Наф олувчи зарарларини қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Сугурта Шартномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 декабр 20 декабрдаги 532-сонли “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ тузилган.

### II. ШАРТНОМАДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Мазкур шартномада қуйидаги маънога эга атамалар қўлланган.

**Сугурта шартномаси** – Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўртасидаги ёзма келишув. Сугурта полиси, ариза-анкета, иловалар, истиснолар, алоҳида келишилган шартлар Сугурта шартномасининг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

**Сугурта объекти** - Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда сугурта шартномасида кайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифода қиладиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлигига ва мол-мулкига зарар етказганлиги учун Сугурта қилдирувчининг жавобгарлиги сугурта қилиш объектлари ҳисобланади.

**Сугурта полиси** – Сугурта қилдирувчи сугурта мукофотини Сугурталовчига тўлик тўлаганидан сўнг бериладиган ва сугурта шартномаси тузилганлигини, ҳамда Сугурта шартномаси шартларига мувофиқ, Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Сугурта қилдирувчи** - Сугурта шартномасини тузган, сугурта мукофотини тўлаётган ва Сугурталовчи билан аниқ сугурта муносабатларига қираётган, сугурта қилинаётган мулкни сақлашидан манфаатдор шахс.

**Наф олувчи** – фойдасига Сугурта шартномаси тузилган шахс. Агар Сугурта шартномасида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, Сугурта қилдирувчи Наф олувчи деб тан олинади.

**Учинчи шахс** – Сугурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатлари мавжуд бўлмаган, ва қурилиш пудрати шартномаси билан кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вақтида унинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига зарар етказилиши мумкин жисмоний ёки юридик шахс.

Учинчи шахслар қаторига Сугурта қилдирувчи, унинг ходимлари, ҳамда ўз шартномавий мажбуриятларини амалга оширишда Сугурта қилдирувчи номидан иш қўраётган жисмоний ва юридик шахслар киритилмайди.

**Мулк** – сугурта Шартномасида белгиланган бино, иншоот, жиҳоз, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, материаллар ва қурилиш майдонида жойлашган қурилиш ва монтаж предмети ҳисобланган бошқа буюмлар;

**Сугурта қиймати** – сугурта манфаати билан боғлиқ мулкнинг сугурта Шартномаси тузилаётган пайтдаги ҳақиқий қиймати.

**Сугурта пули** – полисида кўрсатилган ва Сугурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сугурталовчи томонидан тўланадиган сугурта товони пул маблағларининг миқдори.

**Моддий зарар бўйича сугурта пули** – қурилиш ишлари (охирги ва тахминий, бўнинг учун фойдаланиладиган материалларни ҳисобга олиб), келишилган қурилиш баҳоси, Буюртмачи таъминлайдиган қурилиш материаллари ёки элементлари, қурилиш майдонидаги асбоб ускуналар ва қурилиш асбоб ускуналари, илова қилинган рўйхатга кўра қурилиш машиналари, тозалаш бўйича (сугурта пулининг 2 фоизидан ошмаган ҳолдаги) харажатлар суммаси.

**Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик Жавобгарлиги** – Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчининг ўзаро келишув асосида, ихтиёрий тарзда 100 000 000,00 (бир юз миллион) сўмгача миқдорда белгиланадиган сугурта миқдори.

**Сугурта мукофоти** – Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига мазкур Сугурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблағлари миқдори.

**Сугурта товони** – Сугурта ходисаси рўй берган тақдирда мазкур Сугурта шартномасига мувофиқ, Сугурта қилдирувчи / Наф олувчига сугурта пули доирасида тўланадиган пул маблағларининг миқдори

**Сугурта ходисаси** – Сугурта шартномасида назарда тутилган, ҳужжатлар билан тасдиқланган ва сугурта даври ва ҳудудида ҳақиқатан рўй бериши оқибатида Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ходиса.

**Сугурта даври** – Сугурта полисининг амал қилиш даври. Сугурталовчининг сугурта ходисалари бўйича мажбуриятлари фақат Сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврида амал қилади.

**Сугурта ҳудуди** – Сугурта шартномаси амал қиладиган ҳудуд. Мазкур Сугурта шартномаси бўйича сугурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулк жойлашган жой (манзили) ҳисобланади.

**Тозалаш бўйича харажатлар** – сугурта ходисаси рўй берганидан сўнг, ҳудудни тиклаш ишларини амалга ошириш учун қулай шароитга келтириш билан боғлиқ харажатлар.

**Шартсиз франшиза** - Сугурта қилдирувчининг кўрган зарарининг бир қисми бўлиб, Сугурта ходисаси натижасида Сугурталовчи зарарнинг шу қисми учун жавобгарлик олиб бормайди.

**Сугурта жавобгарлигининг кучга кириш санаси** – Мазкур шартнома учун ҳисобланган сугурта мукофоти компания ҳисоб рақамига тўлик тушган санада 24:00 дан бошланади.



### III. СУГУРТА ХОДИСАСИ

3.1. Сугурта ходисаси деб, Сугурта шартномаси тузилган, шартнома билан истисно қилинмаган ходиса ҳақиқатан ҳам сугурта даврида ва сугурта ҳудудида рўй берган, ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ходиса тан олинади;

3.2. Сугурта Шартномаси асосида, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатларини қуйидаги хатарлар оқибатида мулкӣ шикастланиши ёки йўқотилишидан сугурта ҳимоясини тақдим этади:

- ёнгин, чакмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари;
- сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши;
- бўрон, довул;
- зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш;
- қиска туташув, ортикча қучланиш, электр ёйлари;
- машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;
- нуксонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан қўрилган зарар;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

### IV. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Қурилаётган объект тўлиқ қийматининг 80 фоизидан ортик бўлмаган қисми ёки илгари бажарилган ишлар ҳажми, шу жумладан материаллар қиймати ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилаётган йилда барпо этилаётган объект қийматининг бир қисми томонларнинг келишувига кўра сугурта пули бўлади.

Умумий сугурта пули микдори Шартноманинг 1-илоvasи декларациясининг 6-бандида кўрсатилган.

Умумий сугурта	мукофоти	микдори	Шартноманинг	1-илоvasи	декларациясининг
7-бандида кўрсатилган.					

4.2. Мазкур Шартноманинг 1-илоvasи декларациясининг 1-бандида ташкилот номи кўрсатилган.

4.3. Мазкур Шартноманинг 1-илоvasи декларациясининг 2-бандида Қурилиш Объектнинг манзили: кўрсатилган.

4.4. Мазкур Шартноманинг 1-илоvasи декларациясининг 3-бандида Қурилиш Объектнинг баҳоси кўрсатилган.

4.4. Мазкур шартноманинг 1-илоvasи декларациясининг 4-бандида Моддий зарар бўйича сугурта жавобгарлиги микдори кўрсатилган.

4.5. Мазкур шартноманинг 1-илоvasи декларациясининг 5-бандида Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик Жавобгарлиги микдори кўрсатилган.

4.6. Сугурта мукофоти Сугурта қилдирувчи томонидан бир вақтда тўлиқ тўланади.

4.7. Қурилиш объекти сугурта қилдирувчига ва сугурталаш унинг фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда сугурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган сугурта тўловининг бир қисми сугурталовчи томонидан қайтарилиши мумкин.

4.8. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати сугурта шартномасида кўрсатилган сугурта муддати тугашидан илгари тугаса сугурта тўлови қайтарилмайди.

### V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУГУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Сугурта шартномаси Сугурта қилдирувчининг ёзма равишдаги Аризасига асосан Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўрталарида тузилди.

5.2. Мазкур шартнома бўйича Сугурталовчининг жавобгарлиги сугурталанган мол-мулк қурилиш майдонига туширилган кундан бошланади, Сугурта қилдирувчи томонидан сугурта мукофоти ўз вақтида тўланганда ва бевосита қурилиш майдонида иш ёки юк тушириш ишлари бошлангандан кейин шартномада кўрсатиб ўтилган санадан бошлаб қучга қиради.

5.3. Сугурталовчининг жавобгарлиги сугурта мукофоти ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошланади.

5.4. Сугурталовчининг жавобгарлиги қурилиш, монтаж қилиш, асбоб усқуналарни бўш ва иш ҳолатида синашнинг бутун даври мобайнида давом этади ва объектни фойдаланишга топшириш пайтида, бироқ сугурта полисида кўрсатилган санадан кечикмай тамом бўлади.

5.5. Сугурта шартномаси асосан Сугурталовчининг ҳисоб-рақамига Сугурта мукофоти тушган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида Сугурта полиси берилди.

5.6. Сугурта полиси Сугурта шартномасининг амал қилиш муддатиғача берилди.

5.7. Сугурта қилдирувчи Сугурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчига Сугурта полисини қўчирма нусхасини (дубликати) ёзиб беради. Йўқотиб қўйилган Сугурта полиси бекор қилинади.

5.8. Сугурта шартномаси Сугурта қилдирувчининг ёзма аризасига асосан (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда) ҳар қандай ҳолатда ўзгартирилиши, ўзгартиришлар қиритилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

5.9. Сугурталовчининг фаолияти тугатилган ҳолда, Сугурта шартномасининг амал қилиши ҳам тўхтатилади. Сугурта шартномасига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг қонуқчилик асосида белгиланган ҳуқуқий ворисига ўтади.

5.10. Сугурталовчи Сугурта шартномасини тузишда Сугурта сюрвейери хизматларидан фойдаланиши мумкин.

### VI. СУГУРТА ХОДИСАСИ

6.1. Мазкур шартномага асосан қурилиш майдонида қутилмаган тасодифий ва ўсатдан рўй берувчи ходисалар натижасида сугурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни ёнгин, чакмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш, қиска туташув, ортикча қучланиш, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши, нуксонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан қўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиши Сугурта ходисаси ҳисобланади.

#### 6.2. Қуйидагилар Сугурта ходисаси ҳисобланмайди:

6.2.1. ҳар хил ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларни оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуроқларининг таъсири, халқ галаёқлари ва иш ташлашлари, терроризм, мусодара қилиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб қўйиш, ҳарбий ёки фуқаро маъмуқлари ва бирон бир сиёсий ташкилотларнинг фармойишига кўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши;



6.2.2. ядро портлаш, радиация ва радиоктив захарланиш;  
6.2.3. Сугурта килдирувчининг, фойдасига сугурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакилларининг касддан қилган ҳаракати ёки кўпол ахтиётсизлиги;

6.2.4. Сугурта килдирувчи фойдасига сугурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакилларига сугурта ходисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;

6.2.5. лойиха-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;

6.2.6. айрим буюмларнинг каррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ходисалар келтириб чиқарган бахтсиз ходисалар натижасида бошқа сугурта қилинган буюмлар шикастланишидан қўрилган зарарнинг ўрни копланadi;

6.2.7. лойиха смета ҳужжатларида назарда тутилмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;

6.2.8. қурилиш техникаси ва транспорт воситалари ички томонининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда синиши натижасида шикастланиши.

6.3. Сугурталовчи шунингдек объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қийматини ҳам тўламайди. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, аммо материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди.

6.4. Ёнилғи-мойлаш материаллари, қимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, сугурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (сугурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қозғаларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар сугурта билан қопланмайди.

6.5. Моддий зарар бўйича тўланмайдиган ҳолатлар:

• хар бир сугурта ходисасига алоҳида Сугурта килдирувчи олиб борадиган зарар миқдори учун шартномада кўрсатилган франшизага;

• хар хил хусусиятга эга бўлган жаримадан бошлаб, шартнома талабларининг бузилиши, бекор қилиниши, тўловни кечиктиришда келиб чиққан зарарларга;

• нотўғри лойихалаштириш натижасида бузилган жойга ва зарарларга;

• қурилиш ишларини бажаришдаги хатоликларни ёки нуқсонли хом-ашёни бартараф этиш ёки таъмирлаш ёки созлаш ишларига, алмаштиришга кетган харажатларга;

• одатдаги об-ҳаво шароити таъсирида ёки фойдаланмаганлик натижасида эскириши, каррозияга учраши, оксидланишида баҳосини тушишига;

• қурилиш майдонида қурилиш машиналарини ва асбоб-ускуналарини механик ва электр бузилишлар натижасида бузилиши, издан чиқиши, мойлаш-совутиш суюқликларини музлаши, нуқсонли мойлаш ёки ёнилғи-мойлаш хом ашёларини ва совутиш суюқликларини оқиб чиқиб кетиши, агарда бундай бузилишлар бахтсиз ходиса туфайли бузилган ҳисобланиб қўшимча шикастланиш келтириб чиқарган бўлса бу зарар копланadi;

• папка ҳужжатлари билан, чизмалар, қозғалар, пуллар, ҳисоб варақалар, маркаларни хар хил тури, қарз мажбурияти тўғрисидаги ҳужжатлар, қимматли қозғалар ёки чеклар, банкнотларга зарар етиши ёки нобуд бўлишига;

• хатлов пайтида аниқланган зарарлар ёки шикастланишларга.

6.6. Жавобгарлик бўйича Сугурталовчи Сугурта килдирувчига қуйидаги ҳолларда келтирилган зарарларга жавобгарлик олиб

бормайди:

а) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ сугурталанган қурилиш ишлари билан шугулланувчи пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмаларнинг ишчи ва хизматчилари ёки уларнинг оила аъзоларининг касалланиши ёки танаси шикастланишига;

б) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ сугурталанган қурилиш ишлари олиб бориш топширилган пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмалар уларнинг бошчилигида назоратда ёки сакловида турган мулкларига ёки ишчи ва хизматчиларига;

в) йўлларда фойдаланишга руҳсат берилган транспорт воситалари ёки сузувчи воситалар ёки самолётлар келтириб чиқарган бахтсиз ходисаларга;

г) келишмасдан олдин бор жавобгарликдан ташқари йўл қўйилиши мумкин бўлган ихтиёрий тартибда Сугурта килдирувчи қабул қилган тоvon тўлаш бўйича мажбуриятлар ёки бошқа турдаги компенсацияларга.

## **VII. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА ТўЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Моддий зарар бўйича Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ўзаро қайд этиб ўтилган мулкларга ёки уларнинг қисмига сугурта муддати давомида Сугурта ходисаси натижасида қутилмаганда ва тўсатдан етказиладиган, тўланмайдиган ҳолатлар бўйича шартлашилмаган сабаблар натижасида шикастланган, мулкни таъмирлаш ва алмаштиришга зарурият келтириб чиқарадиган моддий зарарни ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қоплаб беради, бироқ жами хар бир сугурта ходисаси ва умумий сумма бўйича шартномада шартлашилган сугурта пулидан ошмаган миқдорда қоплаб беради. Сугурталовчи сугурта ходисасидан кейин худудни тозалаш билан боғлиқ оқилона харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у сугурта пулининг 2.0 фоизидан ортиқ бўлмайди.

7.2.1 Жавобгарлик бўйича Мазкур шартнома доирасида зарар ёки шикастланиш қуйидаги тартибда копланadi:

а) сугурталанган мулкларнинг шикастланишидан аввалги ҳолатига келтириш учун бартараф этиш мумкин бўлган шикастланиш таъмирлаш харажатлари бўйича копланadi;

б) сугурталанган мулкларнинг шикастланиши оқибатида тўлиқ нобуд бўлиши, мазкур шартномани шартларини бажариш ва қўшимча шартларига риоя қилиш шarti билан мулкни ҳақиқий баҳоси билан бироқ кўрсатилган сугурта пули миқдорида қоплаб берилади.

Сугурталовчи таъмирлаш ишлари қилинганлиги ёки шикастланган қисмини алмаштирилганлиги ҳақида ҳужжатлар ёки зарур ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим қилингандан сўнг зарарни қоплаб беради.

Сугурта ходисаси рўй берганда таъмирлашга бериладиган барча шикастланишларни таъмирлаш ишларига кетган харажатлар сугурталанган мулкларни баҳосидан ошиб кетганда зарарни тугатиш "б" кичик бандидаги шартлар тартибда амалга оширилади.

Агар таъмирлаш охириги таъмирлашни охириги қисми ҳисобланиб, таъмирлаш ишлари бўйича жами харажатлар ошиб кетмаса, Сугурталовчи тахминий таъмирлаш ишларига харажатларни қоплаб бериши мумкин.

Мазкур шартнома доирасида бўлиши мумкин бўлган ўзгартиришларга, қўшимчаларга ёки янгиликларга алоқадор харажатларга қоплама тўланмайди.



7.2.2. Сугурталовчи жавобгарлик бўйича Сугурта килдирувчига юкори даражада шартномада кайд этилган Сугурта пули чегарасида, яъни Сугурта килдирувчи фукаролик жавобгарлиги олиб борадиган суммада:

- а) бахтсиз ходиса рўй бериши натижасида учинчи шахсларни танаси шикастланишига ёки касалланишига (ўлимига);  
Согликка етказилган зарар учун товон куйидаги микдорларда тўланади:

Тан жароҳати оғирлиги	Тўлов микдори (Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш хаки микдори)
Одам ўлими	100
Тан жароҳати (I гуруҳ ногиронлиги)	60
Тан жароҳати (II гуруҳ ногиронлиги)	40
Тан жароҳати (III гуруҳ ногиронлиги)	20
Ногиронликка олиб келмаган жароҳат ва бошқа тан жароҳатлари	10

б) сугурта даври мобайнида учинчи шахсларнинг мулкига бахтсиз ходиса туфайли етказилган зарар ва шикастланишларга, агар бу бахтсиз ходиса моддий зарар бўйича сугурталанган қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилаётганда қурилиш майдонининг ўзида ёки бевосита ёнига рўй берса коплаб берилади.

7.3. Сугурта ходисаси бошланганда Сугурта килдирувчи ёки сугурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс, сугурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирмасдан, қурилиши мумкин бўлган зарарларни камайтиришнинг имкони бўлган барча чораларини қўриши ва 7 календарь кундан кечикмай сугурталовчини содир бўлган ходисадан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.4. Сугурта килдирувчи, Сугурта ходисаси юз берганда Сугурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Сугурта ходисаси тўғрисида хабарнома;
- Сугурта полиси;
- Сугурта ходисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотларнинг ҳужжатлари;
- Сугурта ходисаси натижасида зарарланган Мол-мулкнинг фотосуратлари;
- Сугурта килдирувчи ўзига маълум бўлган Сугурта ходисасига оид бошқа маълумотлар.

7.5. Сугурта килдирувчининг ёзма аризаси олингандан ва сугурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани хал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Сугурта килдирувчининг ва сугурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

7.6. Барча тарафлар маълумотномага имзо чекадилар ва имзо чекиш жараёнида ўз эътирозларини маълумотномада акс эттирадилар.

7.7. Тузилган маълумотномалар Сугурта ходисаси тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигини билдирмайди ва маълумотномалар асосида Сугурта товони тўланмайди.

7.8. Сугурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

7.9. Сугурта килдирувчи ҳар қандай ҳолатда ўз маблағлари ҳисобидан Сугурта ходисаси билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни (Сугурта ходисасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ва ходиса тафсилотлари ҳақида маълумотнома) ишлаб чиқиш, харид қилиши ва Сугурталовчига тақдим этиши шарт.

7.10. Сугурта килдирувчи Сугурта ходисаси содир бўлганда зарарланган мол-мулкни таъмирлаш, сотиш, металлломга топшириш ёки бировга бериш, ёкиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Сугурталовчи билан қилишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

7.11. Сугурта товони ҳақиқий етказилган зарар микдорида, агар Сугурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза микдори ҳисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Сугурта пулидаги микдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

7.12. Сугурта пули объект баҳосидан кам қилиб белгиланганлиги учун Сугурталовчи Сугурта ходисаси юз берганда Сугурта килдирувчига у қўрган зарарни Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 936-моддасига асосан Сугурта пулининг объект баҳосига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплайди.

7.13. Сугурта товони далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

7.14. Сугурта товони мазкур Сугурта шартномасига асосан ҳисоб рақамга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

7.15. Сугурта ходисаси рўй берганда яна амал қилинаётган Сугурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахсдан Сугурта килдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки қопланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Сугурта товони тўлаб берилади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 8.1. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

- сугурталанган қурилиш объектининг ҳолатини, шароитини Сугурта шартномасини тузишда ва амал қилиш даврида ҳамда Сугурта ходисаси содир бўлганда текшириш;
- Сугурта килдирувчи Сугурта шартномаси шартларини бажармаганда, Сугурта шартномасини бекор қилиш;
- мазкур шартнома ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда Сугурта товонини тўлашни рад этиш;
- сугурталанган қурилиш объектида содир бўлган ходиса юзасидан йўқотилиш ёки шикастланиш бўйича айбдор шахслар аниқланган ҳолларда тўланган Сугурта товонини улардан ундириб олиш ҳақида даъво қилиш;
- Сугурта товони микдорини аниқлаш учун Сугурта килдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг далолатномаларини, экспертлар ҳулосаларини тақдим этишни талаб қилиш;
- Сугурта килдирувчининг тақдим этган ҳужжатларининг тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиш;
- Сугурта килдирувчи олдидаги Сугурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганида, Сугурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;
- Сугурта сюрвейери ҳамда Сугурта ходисалари бўйича Аджастер хизматларидан хизматларидан фойдаланиш.

### 8.2. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

- Сугурта полисини мазкур Сугурта шартномасида белгиланган муддатда Сугурта килдирувчига ёзиб бериш;



- Сугурталанган қурилиш объектида Сугурта ходисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани олгач, 3 (уч) кун ичида жойига чиқиб етказилган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;
- Сугурта ходисаси натижасида сугурталанган қурилиш объектидаги етказилган зарар бўйича Сугурта товони микдорини ҳисоблаб чиқиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

### 8.3. Сугурта килдирувчининг ҳуқуқи:

- мазкур Сугурта шартномасида келишилган шартлар асосида Сугурта полисини Сугурталовчидан олиш;
- мазкур Сугурта шартномасининг амал қилиш даврида шартномага доир саволларга Сугурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш;
- Сугурта ходисаси содир бўлганда ушбу шартномада кўрсатилган тартибда Сугурта товонини олиш.

### 8.4. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:

Сугурта килдирувчи жавобгарликдан ташқари ўз ҳисобидан барча оқидона эҳтиёткорлик чораларини кўради ва шикастланишларни, зарарларни бартараф этиш бўйича Сугурталовчи берган зарур тавсияларга риоя қилиши, шунингдек қурилиш коида ва меъёрлари талабларига, асбоб усқуналар тайёрлаш тавсияларига амал қилиши;

Қурилиш майдонида ўт ўчириш ва ёнғинга қарши қуйидаги чораларга тегишли махсус шартлар бажарилишини назоратга олади:

• керакли микдордаги ишчилар ёнғинга қарши асбоб усқуналардан фойдаланиш учун ўргатилган ва ёнғин бўлганда тезкор ҳаракатга тайёр туриши;

- тегишли ёнғинга қарши асбоб усқуналар ва керакли ўт ўчирувчи мосламалар доим иш ҳолатида туриши;
- объектида иш бошланганда барча ёнғинга қарши кўрилган воситалар созланган ва фойдаланиш учун тайёр бўлиши;
- тезда ўт олувчан ва ёнувчан материаллар ёнида пайвандлаш ёки оловли ишлар ўтказишда битта ўқиган ишчи ёнғин билан кураш учун шай тургандагина йўл қўйиши;

• барча қурилиш конструкцияларини, материалларини ва буюмларини тегишли коидалар ва меъёрлар талаби доирасида сақлаши;

• энг яқин ўт ўчириш бригадаси мазкур ҳудуд билан таништириш ва хоҳлаган пайтда шу ҳудудга эркин кириши учун рухсат бериши;

- қурилиш майдони ўралган ва унга киришни назорат қилиши;

Ҳодиса рўй берганда мазкур шартнома доирасида талабни асосламоқчи бўлганда Сугурта килдирувчи қуйидагиларга мажбур:

- Сугурталовчига хавф хусусияти ва эҳтимолдаги микдорини ёзма равишда 7 календар кунида хабар қилиши;
- зарарларни камайитиришга мавжуд барча чораларни кўриши;
- зарарланган қисмни сақлаб қўйиш ва Сугурталовчининг вакилига ёки экспертга кўриқдан ўтказиш учун тақдим қилиши;
- Сугурталовчига рўй берган ходисага тааллуқли барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилиши;
- кулф бузилиб амалга оширилган ўғирлик натижасида зарар кўрилганда содир бўлган воқеа ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериши;

• мазкур Сугурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриши;

- белгиланган муддатларда Сугурта мукофотини тўлаши;

• Сугурта ходисаси содир бўлганда, Сугурталовчига белгиланган муддатда, ёзма равишда хабарнома бериш ва Сугурта товонини аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим қилиши;

• Сугурта килдирувчи мазкур мол-мулк бўйича бошқа сугурта ташкилотлари билан тузилган барча сугурта шартномалари тўғрисида сугурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши;

• Сугурта ходисаси рўй берганда зарар микдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Сугурталовчини таъминлаши;

- юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда Сугурталовчига 10 кун ичида ёзма равишда хабарнома бериши;

• Сугурта ходисаси содир бўлганда таъмирлаш ва бошқа (сотиш, металлломга бериш ва хоказоларни) ишларини Сугурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириши.

## IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

9.1. Сугурта Шартномаси исталган пайтда, бир томоннинг ёзма аризасига асосан бекор қилиниши мумкин, бунда ёзма ариза Шартномани бекор қилишнинг тахминий санасидан камида 5 (кун) кун аввал берилиши шарт.

9.2. Сугурта Шартномаси муддатдан аввал бекор қилинган тақдирда, тўланган сугурта мукофоти қуйидаги тартибда қайтарилади:

а) Сугурта килдирувчи ушбу сугуртадан Сугурталовчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли муддатдан аввал воз кечганда, сугурта мукофоти тўлиқ қайтарилади;

б) Шартнома томонлар келишувига асосан муддатдан аввал бекор қилинганда, сугурта мукофоти Сугурта килдирувчига сугурталашнинг тугамаган даврига мутаносиб равишда, тўланган сугурта мукофотининг 25% микдориди Сугурталовчининг иш юритиш бўйича харажатларини ва аввал тўланган сугурта товонининг микдорини айириб, қайтарилади.

9.3. Сугурта Шартномаси Сугурта килдирувчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли Сугурталовчи ташаббуси билан бекор қилинса, сугурта мукофоти қайтарилмайди.

## X. СУБРОГАЦИЯ

10.1. Сугурта килдирувчининг Сугурта ходисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддасига асосан Сугурталовчига ўтади. Сугурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан Сугурта килдирувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солишчи коидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

10.2. Сугурта килдирувчи, Сугурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Сугурталовчига бериши, ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

10.3. Сугурта килдирувчи, Сугурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Сугурта килдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Сугурталовчи Сугурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва ортиқча тўланган Сугурта товонини қайтарилиши талаб қилишга ҳақли бўлади.



#### XI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Томонлар сугурта Шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.2. Агар томонлар сугурта Шартномаси бўйича мажбуриятларини енгиб бўлмас ҳолатлар оқибатида (форс-мажор) бажаришмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. Енгиб бўлмас ҳолатлар таъсири остида қолган томон иккинчи томонни айтиб ўтилган ҳолатлар рўй берганлиги ва уларнинг тахминий давомийлиги тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11.3. Агар сугурта Шартномаси тузилганидан сўнг, Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига сугурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимолини аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида била туриб, Ёлгон маълумотлар берганлиги аниқланса, Сугурталовчи сугурта Шартномасининг ҳақиқий эмас деб тан олиншини ва Сугурта қилдирувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қончилиги билан назарда тутилган оқибатларни қўллашни талаб этишга ҳақли.

#### XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

12.1. Мазкур Шартномадан чиқиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади.

12.2. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ёки Наф олувчи – юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Иқтисодий судида қўриб якуний ҳал қилинади.

12.3. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ёки Наф олувчи – жисмоний шахс ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар жавобгар жойлашган манзил бўйича фуқоралик судида ҳал этилади.

12.4. Мазкур сугурта Шартномаси бир хил юридик кучга эга икки нусxada тузилган ва имзоланган бўлиб, ҳар бир тарафда биттадан нусха сақланади.

12.5. Мазкур сугурта Шартномасида ақс эътирилмаган бошқа шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилиги билан тартибга солинади.

#### XIII. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Мазкур Шартнома бўйича томонлар Шартноманинг иловаларини ва унга тегишли ҳужжатларни учинчи тарафга томонларнинг ёзма розилигисиз бермайди ва ушбу Шартномага тегишли бўлган барча маълумотларни сир сақлайдилар.

13.2. Мазкур Шартнома икки нусxada тузилган бўлиб, Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчида битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил ҳуқуқий кучга эга.

#### XIV. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Сугурталовчи”

“Сугурта қилдирувчи”

«IMKON-SUG'URTA» АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси

117 уй

тел:

20208 000 305 062 314 001

“Ипотекабанк” АТИБ Бош Амалиёт бошқармаси

Банк коди 00937 СТИР 306317501

ХХТУТ

“Бирлашма Инвест Сурхон” МЧЖ

Термиз шаҳри, Гунча кўчаси 9-а-уй

ИНН 205 645 557

Х\р: 2020 8000 9044 0942 4001

АТИБ «Ипотекабанк» Сурхондарё филиали

МФО 00356

Тел :99 710 63 07


Сугурталовчи номидан

«IMKON-SUG'URTA» АЖ Сурхондарё вилояти

филиали директори

А.Х.Тўрақулов

(имзо) М.Ў.



Н.Мирзоев



**СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

1.	Қурилиш объектнинг номи	Қизирик тумани Кунчикиш МФЙ КСЗда ичимлик суви тармоғини қуриш ишлари		
2.	Объектнинг манзили:	Сурхондарё вилояти. Қизирик тумани		
3.	Қурилиш объектнинг баҳоси	284 096 279,00 сўм	80 фоизи	227 277 023,00 сўм
4	Моддий зарар			
4.1.	Сугурта пули	227 277 023,00 (Икки юз йигирма етти миллион икки юз етмиш етти минг йигирма уч) сўм		
4.2.	Шартсиз франшиза			
4.3.	Тариф			
4.4.	Сугурта мукофоти	727 000,00 (Етти юз йигирма етти минг) сўм		
5	Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги			
5.1	Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги бўйича сугурта пули, шу жумладан:	1 000 000,00 (Бир миллион ) сўм		
	<i>Тан жароҳати учун</i>	5.1 бандда кўрсатилган сугурта пулининг 60% миқдориди		
	<i>Моддий зарар:</i>	5.1 бандда кўрсатилган сугурта пулининг 40% миқдориди		
5.2.	Шартсиз франшиза			
5.3.	Тариф			
5.3.	Сугурта мукофоти	_____ (сўз билан)		
6	Умумий сугурта пули	227 277 023,00 (Икки юз йигирма етти миллион икки юз етмиш етти минг йигирма уч) сўм		
7	Умумий сугурта мукофоти	727 000,00 (Етти юз йигирма етти минг) сўм		

**ТОМОНЛАР ИМЗОСИ:**

**СУГУРТАЛОВЧИ**

номидан

ФИЛИАЛ ДИРЕКТОРИ



А.Х. Тўрақулов

М.у.

**СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ**

номидан

ТАШКИЛОТ РАХБАРИ



И. Мирзоев

## Информация о юридическом лице (По данным регистрирующих и уполномоченных органов)

### Общие сведения

ИНН:	205645557
Регистрирующий орган:	Хокимият района (города)
Дата регистрации :	26.04.2005
Номер регистрации:	188
Наименование юридического лица:	"BIRLASHMA INVEST SURXON" mas`uliyati cheklangan jamiyati
Код ОПФ:	152 - Общество с ограниченной или дополнительной ответственностью
Код ОКЭД:	41201 - Строительство жилых зданий
Код СООГУ:	79994 - Субъекты предпринимательства, не вошедшие в структуры органов государственного и хозяйственного управления

Принадлежность к субъектам малого предпринимательства:	Да
Состояние активности:	Действующие предприятия
Уставный фонд:	500 000,00 UZS

Информация о руководителе Имя руководителя:	MIRZOYEV MURADXON TURABOYEVICH
--	--------------------------------

1. Mirzayev Murodxon	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Контактные данные Адрес электронной почты:	
Контактные телефоны:	937910341
Код СОАТО:	1722401 - Surxondaryo viloyati, Termiz sh.
Улица, тупик, дом:	G'uncha ko'chasi, 9-uy

Данные актуальны на 12/09/2022











№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиши ва фойдаланишига топнириш йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга утувчи объектнинг қиймати (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити					2022 йилда фойдаланишига топнирилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга утувчи объектнинг қиймати (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга утувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳулосаси расами ва санаси	Тендер (тайлов)лар натижасига бўйича баённома расами ва санаси	Қурилиш пудрат ташкилот номи
								Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш-монтаж ишлари	Жикоз	Буюртмачи бошқа харажатлари		Муддат/ қувват	Асосий фонд суммаси					
											Жами	жумладан, савдолар харажатлари							
13	Шурчи тумани Оккамар МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик суви учун қудуқ казиш	2022 й	0,8 км 1 объект	676,265	676,265	676,265	676,265	644,538	602,818		41,720	20,000	0,8 км 1 объект	676,265		31,727	№ 55978 10.08.2022 й	№137443 26.08.2022 й	"ОТАВЕК-5" ХК
	шу жумладан ЛҚИ:																		
	<b>Қурилиш материаллари саноатига ихтисослашган кичик саноат зоналари</b>		<b>8,6 км, 6 объект</b>	<b>1 627,177</b>	<b>1 627,177</b>	<b>1 627,177</b>	<b>1 627,177</b>	<b>3 349,841</b>	<b>3 195,391</b>		<b>154,450</b>	<b>40,000</b>	<b>1,6 км, 2 объект</b>	<b>1 627,177</b>		<b>77,336</b>			
				<b>80,450</b>	<b>80,450</b>	<b>80,450</b>	<b>80,450</b>												
14	Бойсун тумани, Дарбанд МФЙ Қумлисой участкасидаги КСЗда ичимлик суви тармоғи, сув иншооти ва сув тозалаш иншооти қуриш *	2022 й	6 км, 2 объект					1 200,000	1 154,000										Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	шу жумладан ЛҚИ:																		
15	Сариосиё тумани, Анарзор МФЙ ҳудудидаги КСЗда ичимлик суви тармоғи, сув иншооти ва сув тозалаш иншооти қуриш	2022 й	1,6 км, 2 объект	1 627,177	1 627,177	1 627,177	1 627,177	1 549,841	1 469,391		80,450	40,000	1,6 км, 2 объект	1 627,177		77,336	№ 56613 15.08.2022 й	№140026 26.08.2022 й	"МУКАММАЛ ҚУРИЛИШ БУТЛАШ" ХК
	шу жумладан ЛҚИ:																		
16	Шеробод тумани, Қорабоғ МФЙ ҳудудидаги КСЗда ичимлик суви тармоғи, сув иншооти ва сув тозалаш иншооти қуриш *	2022 й	1 км, 2 объект					600,000	572,000										Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	шу жумладан ЛҚИ:																		
	<b>Тақсимланмаган лимит:</b>							<b>2 300,48</b>											

\* ) Объектнинг қуввати ва қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг аниқланади ва молиялаштириш очилади.

